

# ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 02 ирт

(лаборатория тадқиқотлари ўтказиш түғрисида)

Бухоро шаҳри

“6” енвар 2022 йил

“Бухоро йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш илмий тадқиқот ишлаб чиқариш маркази” унитар корхонаси кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади. Устав асосида иш юритувчи Абдуллоев Мехрилло Амруллоевич бир томондан ва Роҳимзода Уйиён кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, устав асосида иш юритувчи директори Э. Шарипов иккинчи томондан қуидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Автомобил йўлларида бажариладиган барча таъмирлаш ишлари ва инерт материалларига лаборатория хуносалари ва таҳлил баённомалар бериш (шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-иловада кўрсатилган “Буюртмачи”нинг ишларини бажариш техник топшириғи ёки ёзма сўрови асосида)

1.2. Кўрсатиладиган хизматларга (бажариладиган ишларга) нисбатан қўйиладиган иқтисодий, техник, ташкилий ва бошқа талаблар: **Давлат стандартлари ва ҚМҚга асосан.**

1.3. Шартнома бўйича хизматларни (ишларни) бажариш муддатлари: йил давомида томонларнинг келишувига биноан смета ва калькуляцияларга, келишувга асосан олиб борилади.

## 2. ИШЛАР (ХИЗМАТЛАР) ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилган ишлар (хизматлар) учун тўловлар миқдори “Ижрочи”нинг амалдаги смета ва калькуляцияларида келишув асосида тахминан 1000.000.000 (одир менемар) сўмни ташкил қиласди.

2.2. Кўрсатилган хизматлар учун ҳақ бажарилган ишлар расшифровкасига асосан тўланади.

2.3. Тўлов пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

2.4. Шартнома баҳоси буюртмачи томонидан 100 фоиз олдиндан тўлаб берилгандан кейин лаборатория хизмати кўрсатилади.

2.5. “Буюртмачи”нинг айби билан хизматни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

## 3. ИШЛАР (ХИЗМАТЛАР)НИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ижрочи ушбу шартноманинг 1.1 – бандида назарда тутилган хизматларни (ишларни) шахсан ўзи бажариши шарт.

3.2. Ишлар бажарилгандан сўнг “Ижрочи” “Буюртмачи”га бажарилган ишлар (хизматлар)ни ҳисоб-фактураси тақдим этилиб, унга ҳисбот хужжатларини илова қиласди.

3.3. Иш (хизмат)лар натижаларидан қониқмаган “Буюртмачи” ҳисоб-фактурани олган пайтдан бошлаб 5 кун ичida “Ижрочи”га ишларни қабул қилишдан бош тортиш тўғрисида асослантирилган ёзма раднома юбориши шарт.

3.4. “Буюртмачи”нинг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома тузадилар ва унда кўшимча бажарилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

3.5. Ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда “Буюртмачи” бу хақда “Ижрочи”ни хабардор қилиш ва у билан бирга зарурӣ чораларни кўриши шарт.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

- 4.1. Ижрочи мазкур шартноманинг шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, у асослантириб келтирган заар миқдорини “Буюртмачи”га тўлалигича тўлаши шарт.
- 4.2. Шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.
- 4.3. Ушбу шартномада назарда тутилмаган тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида”ги қонуни талаблари доирасида ҳал қилинади.
- 4.4. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар Бухоро туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.

#### **5. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР**

- 5.1. Ушбу шартномага хар қандай ўзгаришиш ва қўшимчалар улар ёзма равиша расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда хақиқий хисобланади.
- 5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра етказилган заар қопланган ҳолда йўл қўйилади.
- 5.3. “Буюртмачи” хизматларнинг белгиланган баҳосини тўлиқ тўлаш шарти билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли. Шартнома “Ижрочи”нинг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.
- 5.4. “Ижрочи” ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли “Буюртмачи”га етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шарти билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома “Буюртмачи”нинг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.
- 5.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 3 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.
- 5.6. Махсус шартлар: Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўзгариши муносабати билан нархнома ўзгариши мумкин.
- 5.7. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган вақтдан (имзо қўйилган сана) бошлаб кучга киради ҳамда томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини тўлиқ бажаргуналарига қадар амалда бўлади.
- 5.8. Шартномага иловалар: \_\_\_\_\_

#### **ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.**

##### **ИЖРОЧИ:**

“Бухоро ЙХХМОИТИЧМ” УК  
Юридик манзил: Оқ масжид – 8  
x/p 20210000900309645001  
«Ипотека банк» АТИБ Бухоро вил.  
булими банк коди 00088  
ИФУТ 71200 ИИН 200856511  
тел: 228-52-35, 228-58-38  
М.А.Абдуллоев  
(имзо, мухр)



Лаборатория бўлими бошлиги:  
Ш.Ш.Жумаев

Хукукшунос: X.X.Шаропов

##### **БУЮРТМАЧИ:**

Юридик манзил:  
H/t 2021 0000 5008 5033 3001  
x/p ATB "IPOTEKA BANK" Buxoro filiali MFO: 00088  
« STIR : 30536293, IFT: 42110  
булими банк коди: 30 60 10 00 06 62  
ИФУТ \_\_\_\_\_ ИИН \_\_\_\_\_  
тел: \_\_\_\_\_  
(имзо, мухр)



Н.Молионов